



## Ислом Нури

Уммул мўминин Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади:  
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Мисвок оғизнинг тозалигига ва Парвардигорнинг розилигига сабабдир»**, дедилар (Аҳмад ва бошқалар ривояти).

«Саҳиҳайн»да Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Беш нарса фитратдандир: таносил аъзоси атрофидаги тукларни олиш, хатна қилиш, мўйловни қисқартириш, қўлтиқ тагидаги тукларни юлиш ва тирноқ олиш»**, деганлар.

«Саҳиҳайн»да Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан марфуъан келтирилган ҳадисда: **«Мўйловни қисқартирилган ва со қолни тўлиқ қўйинглари»**, дейилган.

Бу ва айни маънодаги бошқа ҳадислардан фуқоҳолар қуйидаги ҳукмларни олганлар:

• Мисвок тутишнинг, яъни, новда ва шу каби нарсалар билан тиш ва милкни тозалаш ва уларга илашган сариқлик ва ноҳуш ҳидни кетказишнинг машруълиги.

Бундай қилиш ўтган пайғамбарларнинг суннатларидан экани ворид бўлган. Биринчи бўлиб Иброҳим алайҳис-салом мисвок ишлатганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам мисвок тутиш оғизни ноҳушликлардан тозаловчи ва Парвардигор таборака ва таолони рози қилувчи иш эканини айтганлар. Мисвокни баён этувчи ва унга тарғиб қилувчи 100 дан ортиқ ҳадислар мавжуд бўлиб, бу эса унинг шарият соҳиби тарғиб қилган ва уни қилишга қаттиқ қизиқтирган суннати муаккада (кучли суннат) эканига далолат қилади. Мисвок тутишнинг



## Ислом Нури

бир қанча фойдалари бор, улар ичида энг каттаси мазкур ҳадисда ишора қилинган, оғизнинг поклиги ва Парвардигорнинг розилигига сабаб бўлишидир.

Мисвок ишлатиш - ароқ (arok), зайтун, уржун каби дарахтлар томири ёки новдасидан олинган, титилиб кетмайдиган ва оғизни шилиб, жароҳатлаб қўймайдиган юмшоқ қаламча билан оғизни тозалаш билан ҳосил бўлади.

Мисвокни ҳамма вақт ишлатиш суннатдир. Ҳатто, саҳиҳ қавлга кўра, рўзадор киши ҳам кун бўйи мисвок ишлатиши мумкин. Унинг суннатлиги махсус вақтларда, хусусан таҳоратда яна ҳам кучаяди. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Умматимга қийин қилиб қўйишдан ташвиш қилмаганимда эди, уларни ҳар таҳорат қилганда тишларини мисвок билан тозалашга буюрган бўлар эдим»**, деганлар (Имом Бухорий ривояти). Ушбу ҳадис таҳорат қилаётганда, яъни оғиз чайқаш пайтида мисвок ишлатиш суннати муакқада эканига далил бўлади. Чунки, у оғизнинг яхшироқ тозаланишига ва покланишига сабаб бўлади. Шунингдек, хоҳ фарз, хоҳ нафл намоз ўқиш олдидан мисвок ишлатиш ҳам суннатдир. Чунки, биз Аллоҳга қурбат ҳосил қилиш пайтида ибодат шарафини изҳор қилиб, комиллик ва поклик ҳолида бўлишга буюрилганмиз. Тунги ёки кундузги уйқудан уйғонганда ҳам мисвок тутиш суннати муакқадалардан саналади. Чунки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда турсалар, оғизларини мисвок билан ишқалардилар. Сабаби, уйқу пайтида ошқозондан ажралиб чиқувчи буғлар (газлар) оғизнинг бўйини ўзгартириб қўяди. Шу ҳолда мисвок ишлатиш оғизнинг бўйини йўқотади. Шунингдек, овқатланиш сабабли оғиз ҳиди ўзгарганда ҳам мисвок тутиш суннати муакқада саналади. Қуръон ўқиш олдидан Аллоҳнинг Каломи тиловати учун оғизни поклаш



## Ислом Нури

мақсадида мисвок ишлатиш ҳам суннатдир.

Мисвок билан оғизни поклаш уни милк ва тишларга юргизиш билан бўлади, аввал оғизнинг ўнг томонидан бошлайди, мисвокни (ноҳуш нарсаларни кетказишда ишлатилгани учун) чап қўлда ушлайди.

· Динимизда бўлган айрича хусусиятлардан яна бири шуки, у юқоридаги ҳадисда зикр этилган фитрат ҳислатларини келтирди. Фитрат ҳислатлари деб аталишига сабаб – уларни қилган одам Аллоҳ бандаларни унда яратган, унга тарғиб қилган ҳамда энг комил ва шарафли сифатда бўлишлари ва чиройли кўриниш ва гўзал хилқатда бўлишлари учун уларга ихтиёр этган фитрат – яъни, табиий хилқат билан зийнатланади. Фитрат ҳислатлари – пайғамбарлар ихтиёр этган, шариатлар иттифоқ қилган қадимий суннатлар бўлиб, улар қуйидагилардир:

1) Истиҳдод – яъни, таносил аъзолари атрофидаги тукларни тозалаш. Уни кетказиш билан поклик ҳосил бўлади. Уни қириш, марҳам ёки бошқа ўзи истаган йўл билан кетказиши мумкин.

2) Хатна қилиш – яъни, ўғил боланинг таносил аъзоси учини қоплаб турган терини олиб ташлаш. Буни болалик пайтида қилинади, чунки, битиб кетиши осон бўлади, бола яхши ҳолатда катта бўлади.

Хатна қилишдаги ҳикматлардан яна бири – у сабабли закар учини ўраб турувчи тери ичида йиғилиб қоладиган чиқиндилардан тозаланиш ҳосил бўлади.

3) Мўйловни қисқартиш. Бу билан орасталик, тозалик ва кофирлардан ажралиб туриш ҳосил бўлади. Мўйловни қисқартиш ва со қолни



## Ислом Нури

қўйишга ва уни икром қилишга (яъни, ювиб-тарашга) тарғиб қилувчи кўплаб ҳадислар мавжуд. Зеро, со қолда хушрўйлик ва эркаклик кўриниши бордир. Кўпчилик ҳозирда бунинг аксини қиладиган, яъни, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам йўлига қаттиқ хилоф қилиб, Аллоҳ ва Расулининг душманларига тақлид қилиб, эркаклик ва мардлик белгиларидан аёллик ва нозиклик аломати сари тубанлашиб, мўйлов қўйиб, со қолни қириб ёки қисқартириб ё бўлмасам атрофини олиб, жағ устигагина чўққайтириб қўйиб юрадиган бўлиб кетишди.

4) Тирноқларни олиш, яъни қисқартириб юриш. Бунда ҳам орасталик бўлишидан ташқари, улар остига йиғилиб қолувчи кирлардан тозаланиш, шунингдек, ёввойи ҳайвонларга ўхшашдан узоқлашиш бордир. Айрим енгилтак ёш-яланглар ва бефаросат аёллар ушбу пайғамбарлар суннатига хилоф қилиб ва ғайридинларга кўр-кўрона тақлид қилиб, тирноқларини ўстириб юришади.

5) Қўлтиқ ости тукларини тозалаб юриш ҳам фитрат ҳислатларидан биридир. Уларни юлиш, қириш ёки бошқа йўллар билан кетказиш суннатдир. Бу билан поклик ва тозаллик, шунингдек, ушбу туклар сабабли пайдо бўладиган ноҳуш ҳиднинг йў қолиши ҳосил бўлади.

Мусулмон биродар! Динимиз ушбу ҳислатларни улар билан орасталик, поклик ва тозаллик ҳосил бўлгани учун, мусулмон киши булар билан мушрикларнинг йўлларига хилоф қилиб, чиройли ҳолатда ва гўзал кўринишда бўлишини истагани учун, ушбу ҳислатларнинг баъзиси орқали эркаклар билан аёллар ўртаси фарқланиб туриши учун, эркак ҳам, аёл ҳам ҳаётдаги вазифасига муносиб равишда ўзининг шахсиятини сақлаб қолиши учун келтирган. Лекин, айрим алданган ва ўз жонларига зулм қилувчи кишилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига хилоф қилишдан ҳамда бизнинг динимизга



## Ислом Нури

ва исломий шахсиятимизга тўғри келмайдиган расм-русумларга эргашишдан бошқасига кўнмайдиган бўлиб қолдилар. Улар ғарбнинг ё шарқнинг тубан кимсаларини ўзларига намуна қилиб, яхши нарсани паст нарсага, покиза нарсани ифлос нарсага, комилликни ноқисликка алмаштирдилар, бу билан ўзларига ҳам, жамиятларига ҳам жиноят қилдилар, ёмон йўлни пайдо қилиб, унинг гуноҳини ва у йўлга эргашганлар гуноҳини бўйинларига юкладилар.

Эй Парвардигор! Муслмонларни амалларини ҳам, сўзларини ҳам ислоҳ қилишга муваффақ айлагайсан, уларни Ўзингга ихлосли ҳамда пайғамбарингнинг суннатларини маҳкам ушлайдиган қилгайсан.